

**Вилоят ҳокими Ш.Қ.Абдурахмановнинг Пахтаобод туманида қуриб битказилган
“Камолот” уйлари очилиш маросимидаги
СЎЗИ**

Ассалому алайкум, қадрли меҳмонлар!

Бугун Ўзбек халқи учун, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган, шу муқаддас заминни ўзининг она юрти, киндик қони тўкилган гўша деб билган ҳар бир миллат ва элат учун катта шодиёна! Сабаби Сизу биз Жонажон Ватанимиз Мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 25 йиллигини нишонлаш бахтига муяссар бўлиб турибмиз. Хасанбой Дўстматовнинг тўрт йилликнинг энг йирик мусобақаси Рио-2016да спортнинг бокс йўналиши бўйича 46-49 кг вазнда эришган ғалабаси эса Мустақиллик шодиёнасига энг катта тухфалардан бири бўлди дея баралла айтиш мумкин.

Шу муносабат билан Сиз - азизларни, Сизлар орқали вилоятимизнинг барча аҳолисини, авваламбор мўътабар отахон ва онахонларимизни, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган меҳнаткаш ҳамюртларимизни, эртанги

кунимизнинг ишончли эгалари бўлмиш ёшларимизни энг улуғ, энг азиз байрам билан чин қалбимдан, қизгин муборакбод этишга ижозат бергайсизлар!

Мамлакатимизда Муҳтарам Юртбошимиз томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш оилаларга жуда катта эътибор берилди. Бу одилона сиёсат давлатимиз раҳбари томонидан бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ёш оилаларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг яхши яшашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий ва моддий кўмак бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу жараён инсон манфаатларига хизмат қилувчи қонунларимиз билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлатимизда қабул қилинаётган қарорлар, фармонлар ва барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замирида ёш оилаларнинг манфаатлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бугун барчамизни қувонтиради.

Муҳтарам Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам фикримизга яққол мисол бўла олади.

Ёшларнинг жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, керакли пайтда зарур ёрдамлар бериш мазкур қарорнинг асосий вазифаларидан саналади.

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги барпо этилаётган иншоотларнинг барчаси ёшлар манфаатларига хизмат қиладиган, уларнинг маънавий хордиқ чиқаришлари, ўқиб ўрганишлари, ижтимоий ҳимояланган меҳнат билан шуғулланишлари ҳамда яхши яшашлари учун қурилмоқда. Буларга болалар мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва намунавий турар-жойларини мисол тариқасида келтиришимиз мукин.

Мана шундай ташаббускор ёшларимизни рағбатлантириш мақсадида Ҳукуматимиз томонидан ўтган йиллар давомида Андижон вилоятида 128 та “Камолот уйлари” қуриб битказилиб, фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилаларга тақдим қилинди.

Ўтган куни Андижон шаҳрининг Бўстон даҳасида 48 та Шаҳрихон туманида 32 та, Пахтаобод туманида 32 та хонадонли “Камолот уйи”ни янгидан қуриб ўз эгаларига топширган бўлсак, мана бугун ҳам шундай бунёдкорлик ишларининг яна бир намунаси бўлмиш **Андижон шаҳрида 90 та хонадонли “Камолот уйлари”нинг очилиш маросимида турибмиз.**

2017 йилда Мустақиллик кўчасида 100 хонадонлик “Камолот уйлари”ни ўз эгаларига топширишни режалаштирганмиз

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Манашу муҳташам “Камолот уйлари” Андижонимизнинг фаол ва намунали ёш оилаларига насиб этди.

Бундай гўзал ва қулай уйларда, бу бахтли оилаларда, ўйлаймизки, келажагимизни порлоқ бўлишига хизмат қиладиган, Ватан манфаатлари учун фидойй бўладиган, Юртимиз довуғини дунёга танитадиган соғлом, баркамол, маънан етук фарзандлар тарбия топадилар, ўсиб улғаядилар.

Ушбу янги уйларнинг соҳиб ва соҳибалари бўлмиш Сиз ёшларнинг барчангизни вилоят фаоллари номидан самимий муборакбод этаман.

Сизларга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-тотувлик, фаровонлик, меҳнат фаолиятингизга янада жўшқинлик тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!